



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, [qumhok@exat.uz](mailto:qumhok@exat.uz)

2021-yil “19” март

Қ-399 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Тумандаги “Янгишаҳар” маҳалласи ҳудудидан 2021 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари асосида “SURXON INVEST STROY PLUS” хусусий корхонасига кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун туман ҳокимлиги захирасидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан 0.20 га ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли, 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссия”нинг далолатномасини ҳамда “SURXON INVEST STROY PLUS” хусусий корхонасининг 2021 йил 15 мартдаги 03-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,10,25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссия”нинг далолатномаси тасдиқлансин.

2. “SURXON INVEST STROY PLUS” хусусий корхонасига кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун туман ҳокимлиги захирасидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан 0.20 га ер майдони ажратиб берилсин.

3.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Х.Йўлдошев) га мазкур қарор тасдиқланиши муносабати билан туман йиллик ер ҳисобига тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.


4.Туман ҳокимлиги девонхона мудирини (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли манфаатдор идора ва ташкилотларга етказиш вазифаси топширилсин.

5.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Исаев зимасига юклатилсин.

Туман ҳокими




Р.Гаппаров



Қумқўрғон туман ҳокими  
Р.Б.Гаппаровга

Тумандаги “SURXON INVEST STROY PLUS” хусусий корхонаси Сиздан корхонамизга 2020 йил 21 майдаги Қ-845-сонли қарори билан кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун 0.30 га ер майдони ажратиб берилганлиги, мазкур қарорни бекор қилиб, ўрнига “Янги шаҳар” маҳаласи ҳудудидан “Камолот уйи” ёнидан кўп қаватли уй-жой қуриш учун 0.20 гектар ер майдони ажратиб, қарор чиққандан кейин ушбу хатимиз кучга киришида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

“SURXON INVEST STROY PLUS” хусусий  
корхонаси бошлиғи



П.Қувватов

№	1
№	359/01-20
№	15.03.21

Кумкўрғон туман ҳокимининг 2019 йил 10 июлдаги 3298-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг

ДАЛОЛАТНОМА

« 17 » март 2021 йил

Кумкўрғон. т

Бизлар ким, далолатнома тузиб имзо чекувчилар ишчи гуруҳи комиссия раиси- С.Исаев - туман ҳокимининг ўринбосари, гуруҳ аъзолари: Х.Йўлдошев- туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи, Ф.Мустанов-туман Курилиш бўлими бошлиғи, Б.Хусанов-туман туман ФВБ бошлиғи, О.Тангиров-туман СЭО маркази бош врачлари, А.Дониёров-туман телекоммуникация боғланмаси бошлиғи, Ю.Холмўминов-туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи, Ф.Хуррамов-тумангаз филиали бошлиғи в.в.б, Ў.Холиқов-туман автомобил йўлларидан фойдаланиш УК бошлиғи, вилоят “Сувоқава” ДУК Кумкўрғон туман филиали бошлиғи-И.Хурсанов, “Янги шаҳар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси-Абилов Азаматлар бўлиб, тузамиз шу ҳақдаким Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли, 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида, “SURXON INVEST STROY PLUS” хусусий корхонасининг 2021 йил 15 мартдаги 03-сонли хатини инобатга олиб, тумандаги “Янгишаҳар” маҳалласи ҳудудидан 2021 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари асосида “SURXON INVEST STROY PLUS” хусусий корхонасига кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун туман ҳокимлиги захирасидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан 0.20 га ер майдони ажратиб бериш тўғрисида.

Танланаётган ер майдони чегараси: жанубий, ғарбий, шимолий томони аҳоли яшаш пункти билан, шарқий томони-маҳалла ички йўли муҳофаза ҳудуди билан чегараланади.

Танланаётган ер майдони ҳамма техник шартларга амал қилиши ҳамда электр, ичимлик суви ва газ таъминоти шароити нормаларига рухсат олишлари лозим.

**Ишчи гуруҳ хулосаси:**

Танланаётган ер майдони ёнгинга қарши, санитария, экологик ҳолатлари қурилиш (СНИП) нормаларига тўлиқ жавоб беради.

Ушбу далолатнома тўғри тузилди деб имзо чекувчилар:

**Комиссия раиси:**

**С.Исаев**

**АЪЗОЛАРИ:**

Ф.Мустанов

Х.Йўлдошев

А.Дониёров

Б.Хусанов

О.Тангиров

Ю.Холмўминов

Б.Исмаилов

Ф.Хуррамов

И.Хурсанов

Ў.Холиқов

А.Абилов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI**  
**SURXONDARYO VILOYATI FAVQULODDA VAZIYATLAR BOSHQARMASI**  
**Qumqo'rg'on tumani Favqulodda vaziyatlar bo'limi**

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox ko'chasi-32-uy, Tel: 46-52-201 Fax (0376) 46-52-115

43-181-sonli

2021 yil « 18 » 03

**Qumqo'rg'on tuman hokimi**  
**Ўринбосари**

**С.Исаева.**

“Сизнинг 2021 йил 15-март кундаги  
№ 03-8/8-сонли хатингизга жавобан”

Qumqo'rg'on tumani Favqulodda vaziyatlar bo'limi Qumqo'rg'on tumani “Янгишахар” маҳалласи худудидан 1 та 5 қаватли 30 хонадонга кўп қаватли уй-жой биноларининг қурилиши режалаштирилган, реконструкция қилиш ва қурилиш ишларини амалга оширишда ҳозирги кунда Республикада амалда бўлган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилсин ҳамда қурилиш ишлари ушбу лойиҳа асосида олиб борилсин. Ушбу объект учун ишлаб чиқарилган лойиҳа-смета ҳужжатларида шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган барча ёнғинга қарши чора-тадбирлар тўлиқ киритилишини ва ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи ташкилот томонидан вилоят Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi билан келишиш лозимлигини маълум қиламиз.

Ушбу танланган ер майдонидан - энг яқин 12-КЁҚҚгача бўлган оралик масофа 2 км.ни ташкил .


Мазкур хулосани амал қилиш муддати 2 йил.

**Qumqo'rg'on tuman FVB bo'shlig'i**  
**подполковник**

Бажарди: А.Тоштемиров  
76-46-52-115



**Б.М.Хусанов**



Қумқўрғон туман хокими

ўринбосари С.Исаевга

Қумқўрғон туман “Янгишахар” маҳалласи ҳудудидан 1 та 5 каватли 30 хонадонли куп каватли уй-жойлар ишларини лойиҳалаштириш учун

### САНИТАРИЯ – ТЕХНИК ШАРТЛАР:

Қумқўрғон туман СЭО ва ЖС булими, “Янгишахар” маҳалласи ҳудудидан 1 та 5 каватли 30 хонадонли куп каватли уй-жойлар ишларини лойиҳалаштириш учун лойиҳага буюртма бераётганингизда қуйидагиларни назарда тутишликни сурайд.

1. Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2007 йилдаги, “Аҳоли яшаш жойларини қуришни режалаштириш ва қуриш тўғрисида” ги Сан Қ ва М 0227-07 талабларига асосан қуриладиган иншоот билан энг яқин жойлашаган аҳоли хонадони орасидаги масофанинг камида 50 метр бўлишлигини таъминлашликни;
2. Ўзбекистон Республикасининг 13.11.2017 йилдаги “Аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги № 0350-17-сонли Сан Қ ва М га асосан энг яқин жойлашган саноат иншоотлари ва унга тенглаштирилган объектлар орасидаги масофанинг 100 метрдан кам бўлмаслигига эътибор қаратишликни;
3. Шамол йўналиши (роза ветров) ва қуёш инсоляциясини ҳисобга олишликни, бунда уйларнинг ҳеч бўлмаса 2 та хонасини қуёш инсоляцияси билан қамрам олишликни;
4. OzDst 950-2011 “Ичимлик суви” талабларига мувофиқ ҳар-бир хонадонга сув тизими киритишликни;
5. Ҳар-бир хонадонни канализация тизими билан қамраб олишликни ва уни канализация коллекторига улашликни;
6. Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2016 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси шароитида аҳоли турар жойларини санитария жихатдан тоза сақлаш ва ободонлаштириш” тўғрисидаги №0329-16-сонли Сан Қ ва М талабларининг 5.1.2 пунктига асосан ҳар бир уйдан 20 метр масофа узокликда чиқиндихона қуришликни;
7. Ушбу ҳудудда канализация тармоғи бўлмаганлиги сабабли ҳар бир хонадон учун иншоотдан 15-20 метр масофа узокликда сифими 5 м<sup>3</sup> лик ички қисми бетонланган хандак ташкил этишликни;
8. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Сан Қ ва М нинг 35.1. пунктига асосан:
  - ҳар-бир уйлардан 15-20 метр узокликда богча ёшдаги болаларнинг уйнашлиги учун 0,6 м<sup>2</sup> ҳисобида;
  - ҳар-бир уйдан 10-15 метр масофа узокликда катта ёшдаги одамларнинг маданий дам олишлиги учун 0,25 м<sup>2</sup> ҳисобида;
  - уйдан 30-40 метр масофа узокликда жисмоний тарбия билан шугулланиш учун ҳар-бир одамга 0.3-0.35 м<sup>2</sup> ҳисобида ер ажратишликни кузда тутишликни.
9. Бинолар атрофида ободонлаштириш ишлари ўтказишликни шу жумладан қаттиқ қоплама билан ҳам.

Ушбу санитария техник шартларининг таъсир этиш муддати - 1йил.

Қумқўрғон туман СЭО ва ЖС

булими бошлиғи:

Бажарувчи : М.Кўчаров



О.Х.Тангиров



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil "19" mart

Қ-394 -son

Qumqo'rg'on t.

Тумандаги "Дўстлик" маҳалласида жойлашган "SURXON INVEST STROY PLUS" хусусий корхонасига қарашли фойдаланилмасдан бўш турган 0,30 га ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига олиш тўғрисида

Тумандаги "SURXON INVEST STROY PLUS" хусусий корхонасининг 2021 йил 15 мартдаги 03-сонли хатини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Қонунининг 6, 10, 25- моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

- 1.Тумандаги "SURXON INVEST STROY PLUS" хусусий корхонасининг 2021 йил 15 мартдаги 03-сонли хати қаноатлантирилсин.
2. Тумандаги "Дўстлик" маҳалласида жойлашган "SURXON INVEST STROY PLUS" хусусий корхонасига қарашли фойдаланилмасдан бўш турган 0,30 га ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига олинсин.
- 3.Кадастр агентлиги туман бўлими (Х.Йўлдошев)га мазкур 0.30 га ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиш ҳамда туман ер балансига ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.
- 4.Туман ҳокимлиги девонхона мудирини (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга юбориш вазифаси юклатилсин.
- 5.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари С.Исаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров



ASLIGA TO'G'RI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI  
QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI  
DEVONXONA MUDIRI.